

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СОҲИБОВА ЗАРНИГОР НУСРАТИЛЛОЕВНА

ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА ЙИЛ ФАСЛЛАРИНИНГ
РАМЗИЙ-ТИМСОЛИЙ ТАЛҚИНЛАРИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Соҳибова Зарнигор Нусратиллоевна Замонавий ўзбек шеърятига йил фаслларининг рамзий-тимсолий талқинлари.....	5
Соҳибова Зарнигор Нусратиллоевна Символические интерпретации времён года в современной узбекской поэзии.....	25
Sohibova Zarnigor Nusratilloeyvna Symbolic interpretations of the seasons in modern Uzbek poetry	47
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	51

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СОҲИБОВА ЗАРНИГОР НУСРАТИЛЛОЕВНА

ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА ЙИЛ ФАСЛЛАРИНИНГ
РАМЗИЙ-ТИМСОЛИЙ ТАЛҚИНЛАРИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2019.2.PhD/Fil805 ракам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Бухоро давлат университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Кувватова Дилрабо Ҳабибовна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сулаймонов Исроил Исомиддинович
филология фанлари доктори, доцент

Жабборов Нурбой Абдулҳакимович
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация химояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги DSc.03/04.06.2021.Fil.72.09 рақамли Илмий кенгашнинг 20 21 йил «30» август соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865 221-29-14; факс: +99865 221-27-07, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz.)

Диссертация билан Бухоро давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (16 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865 221-29-14.)

Диссертация автореферати 20²¹ йил «13» август куни тарқатилди.
(20 21 йил «13» август даги 9 - рақамли реестр баённомаси).



Д.З. Ражабов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, филология фанлари доктори (DSc),
доцент

Г.И. Тоирова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, филология фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD), доцент

Г.Н. Муродов

Г.Н. Муродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, филология
фанлари доктори (DSc), профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида йил фасллари мавзусидаги шеърлар, уларнинг рамзий маънолари, образлилик даражаси, поэтикаси, ижодкор услуби сингари масалалар доимий эътиборни тортиб келмоқда. Жумладан, шеърятда баҳор, ёз, куз, қиш фасллари тасвири пейзаж лирикасидан ташқари лирик қаҳрамон руҳиятини ифода этиши, турли тимсолий маъноларни билдириши, тасвирда анъана ва новаторлик каби қатор муаммоларни яхлит ҳолда тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунё адабиётшунослигида йил фаслларининг метафорик, семантик маънолари, баҳор тасвирида флористик мотивлар, куз билан боғлиқ элегия ҳисси, тушкунлик руҳи, маҳзун хотиралар тасвири, ёз, қиш кабиларнинг дериватив уялари, қиш концепти каби масалалар бўйича муайян изланишлар олиб борилмоқда. Шу маънода лирикада катта ўринга эга бўлган йил фасллари тасвиридаги ўзига хосликлар, келиб чиқиш асослари, рамзий-тимсолий маънолари, улар билан ёнма-ён келадиган лирик образлар моҳиятини илмий-назарий жиҳатдан ўрганишга алоҳида диққат қаратилмоқда.

Мустақиллик йилларида ўзбек адабиётшунослигида табиат лирикаси, унинг шаклланиш асослари, мумтоз ва замонавий адабиётдаги бадиий тадрижи, рамзий-тимсолий маъноларини муайян ижодкорлар асарлари асосида ёритишга катта эътибор берилмоқда. «Адабиёт – жамият ҳаётида эзгу қадрият ва анъаналарни чуқур қарор топтиришда, хусусан, халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтиришда, она Ватани ва халқига муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол шахсни тарбиялашда беқиёс аҳамиятга эга»¹дир. Шу нуқтаи назардан замонавий ўзбек адабиётида йил фасллари бағишланган шеърларни ягона бадиий тизим шаклида тадқиқ этиш, бунда баҳор, ёз, куз, қиш тасвир этилган асарлардаги ижтимоий мазмун, лирик қаҳрамон руҳияти, фасллар моҳиятини очиб берувчи образлар мазмуни, бадиий тил, анъанавийлик ва новаторлик хусусиятларини ўрганиш юзасидан илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори, Вазирлар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида» қарори // Халқ сўзи. – 2017. – 14 сентябрь.

Маҳкамасининг 2018 йил 16 февралдаги 124-Ф-сон «Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари» мавзусидаги халқаро конференцияни ўтказиш тўғрисида»ги фармойиши ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётшунослиги ва тилшунослигида йил фасллари оид шеърлар тадқиқ қилинган ишлар анча салмоққа эга. Жумладан, рус олимлари Н.С.Попова, Л.В.Гайворонская, В.А.Киселёва, Е.В.Шохина, Н.В.Налегач, Е.Г.Штырлина, Ю.В.Осипова² тадқиқотлари аҳамиятли. Бу тадқиқотларда қиш рамзий маънода қарилик даврига қиёсланган³, сукунат билан боғланган⁴, куз дўстлик ва ёлғизлик даври⁵ сифатида талқин этилган.

Рус тилшунослигида ёз йилнинг энг илиқ вақти, дўстлашиш даври сифатида талқин этилган, қиш кунлари эса, аксинча, инсон ҳаётидаги қора, бахтсиз кунлар билан боғланган⁶. Шунингдек, қиш лирик қаҳрамоннинг кундалик ташвишлар билан боғлиқ бўлмаган вақт, туш ва хотираларга бой болалик йиллари билан алоқадорликда ўрганилган⁷.

Ўзбек адабиётшунослигида йил фасллари оид шеърлар махсус ўрганилмаган. Фақат ўзбек мумтоз адабиёти ва замонавий шеърляти тадқиқига бағишланган ишларда йил фасллари тасвирига муайян муносабат

² Попова Н.С. Мифопоэтический концепт как вид когнитивной метафоры: На материале русских и немецких наименований времен года: Дисс.на соиск.учен.степ.канд.филол.наук. – Воронеж, 2000. – 227 с., Гайворонская Л.В. Семантика календаря в художественном мире Пушкина (дни недели, времена года): Автореф.дисс.на соиск.учен.степ.канд.филол.наук. – Воронеж, 2006. – 18 с., Гаврилова О.В. Чувство природы в женской прозе конце XX века: Автореф.дисс.на соиск.учен.степ.канд.филол.наук. – Москва, 2010. – 22 с., Шохина Е.В. Семантика времен года в поэзии пушкинской поры: Автореф.дисс.на соиск.учен.степ.канд.филол.наук. – Воронеж, 2017. – 18 с., Киселева В.А. Поэтика цикла И.А.Бродского «Осенний крик ястреба»: Автореф.дисс. на соиск.учен.степ.канд.филол.наук. – Москва, 2011. – 22 с., Налегач Н.В. Пушкинская традиция в поэзии И.Анненского: Автореф.дисс.на соиск.учен.степ.канд.филол.наук. – Томск, 2000. – 16 с., Штырлина Е.Г. Репрезентация художественного концепта «Время» в поэтическом языке И.Бродского: Автореф.дисс.на соиск.учен.степ.канд.филол.наук. – Казань, 2013. – 23 с., Осипова Ю.В. Символ в поэтике А.С. Пушкина 1830-х гг.: Автореф.дисс.на соиск.учен.степ.канд.филол.наук. – Москва, 2003. – 20 с.

³ Налегач Н.В. Пушкинская традиция в поэзии И.Анненского: Автореф.дисс.на соиск.учен.степ.канд.филол.наук. – Томск, 2000. – 16 с.

⁴ Штырлина Е.Г. Репрезентация художественного концепта «Время» в поэтическом языке И.Бродского: Автореф.дисс.на соиск.учен.степ.канд.филол.наук. – Казань, 2013. – 23 с.

⁵ Осипова Ю.В. Символ в поэтике А.С. Пушкина 1830-х гг.: Автореф.дисс.на соиск.учен.степ.канд.филол.наук. – Москва, 2003. – 20 с.

⁶ Свечкарёва Я.В. Деривационный потенциал номинаций времен года в динамическом аспекте (на материале русского языка XI - XX вв): Автореф.дисс.на соиск.учен.степ.канд.филол.наук. – Томск, 2007. – 22 с.

⁷ Чоудхури О.Л. Номинативное поле концепта «зима» как предмет обучения русскому языку финских студентов: Автореф.дисс.на соиск.учен.степ.канд.педагог.наук. – Санкт-Петербург, 2011. – 25 с.

билдирилган. Жумладан, Н.Маллаев, А.Ҳайитметов, А.Қаюмов, Ё.Исҳоқов, Ғ.Каримов, С.Долимов, Н.Комилов, И.Ҳаққулов, А.Эркинов, Т.Матёкубова, Л.Мирзоҳидова, Г.Болтаева⁸ каби олимларнинг ишларида мумтоз шоирлар асарлари таҳлили давомида айрим илмий қарашлар илгари сурилган. Б.Қосимов, М.Қўшжонов, С.Мамажонов, О.Шарафиддинов, Н.Раҳимжонов, Р.Баракаев, Н.Жабборов, Д.Қурононов, Я.Қосим, А.Улуғов, Н.Йўлдошев, У.Ҳамдам, О.Каримов, Д.Тажибаева, М.Давронова, Ш.Ҳожиева⁹ сингари олимларнинг тадқиқотларида замонавий шеърятда йил фасллари талқинига эътибор қаратилган.

Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор ўзбек ва жаҳон адабиётшуносларининг тадқиқотлари эътиборга олинди, уларга муносабат билдирилди. Тадқиқотимизда бошқа илмий ишлардан фарқли ўлароқ, замонавий ўзбек шеърятда табиат фаслларига бағишланган асарлар яхлит бадиий тизим сифатида тадқиқ қилинди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2016-2021 йилларга мўлжалланган «Ёзувчи индивидуал услуби, маҳорати хусусиятларини очиш ва умумлаштириш» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади замонавий ўзбек шеърятининг Чўлпон, Ойбек, Ҳ.Олимжон, Зулфия, Э.Воҳидов, А.Орипов, Р.Парфи, Т.Сулаймон сингари таниқли намояндалари ижодида табиат фасллариининг бадиий талқини, рамзий-тимсолий маъноларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

адабиётшуносликда йил фасллари мавзуси ўрганилган тадқиқотларнинг назарий асосларини; адабиётда уларнинг рамзий-тимсолий маъно

⁸ Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. 1-китоб. – Т.: Ўқитувчи, 1965. – 739 б., Огаҳий. Асарлар. VI жилдлик. I жилд. Девон. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1971. – 392 б., Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Т.: Фан, 1983. – 167 б., Комилов Н. Хизр чашмаси. – Т.: Маънавият, 2005. – 320 б., Ҳаққулов И. Занжирбанд шеър қошида. – Т.: Юлдузча, 1989. – 224 б., Ҳаққул И. Ҳаёт, адабиёт ва абадият. – Т.: Тафаккур, 2019. – 320 б., Матёкубова Т. Поэтик идрок ва маҳорат. – Т.: Фан ва технология, 2011. – 172 б., Мирзоҳидова Л. XI-XII асрлар туркий адабиётида мажозий тасвир бадиияти: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси автореферати. – Самарқанд, 2018. – 50 б., Boltayeva G. Alisher Navoiy “Fusuli arbaa” qasidalar turkumining manbalari va g’oyaviy-badiiy tahlili. Monografiya. – Navoiy, 2020. – 100 б.

⁹ Шарафиддинов О. Биринчи мўъжиза. Адабий-танқидий мақолалар. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – 464 б., Шарафиддинов О. Ҳаёт билан ҳамнафас. – Т.: Ёш гвардия, 1983. – 216 б., Раҳимжонов Н. Давр ва ўзбек лирикаси. – Т.: Фан, 1979. – 192 б., Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври ўзбек шеърятини. – Т.: Фан, 2007. – 260 б., Қосимов Б., Юсупов Ш. ва б. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. – Т.: Маънавият, 2004. – 464 б., Қўшжонов М., Мели Сувон. Абдулла Орипов. – Т.: Маънавият, 2000. – 136 б., Жабборов Н. Замон. Мезон. Шеърят. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт нашриёт-мағбаа ижодий уйи, 2015. – 304 б., Quronov D. Adabiyot nazariyasi asoslari. – Т.: Akademnashr, 2018. – 376 б., Тажибаева Д. XX асрнинг сўнги чораги ўзбек шеърятинида поэтик услуб муаммолари: Фил.фан. бўй.фал. док.дисс. – Фарғона, 2018. – 146 б., Давронова М. Ҳозирги ўзбек шеърятинида индивидуал услуб поэтикаси: Фил.фан. док. дисс.автореферати. – Самарқанд, 2019. – 66 б., Ҳожиева Ш. Чўлпон ва миллий шеърятнинг янгилашиши. – Т.: Мухаррир, 2018. – 152 б.

ифодалаши, халқ лирикаси ва ўзбек мумтоз шеърияти билан боғлиқлигини очиб бериш;

замонавий ўзбек шеъриятида табиат фасллари тасвиридаги бадиий-тадрижий жараёни Чўлпон, Ойбек, Ҳ.Олимжон, Зулфия, Э.Воҳидов, А.Орипов, Р.Парфи, Т.Сулаймон асарлари мисолида очиб бериш;

баҳор, ёз, куз, қиш образларининг рамзий-тимсолий маънолари, уларнинг такомил хусусиятларини ўрганиш;

табиат фасллари тасвири асосида шаклланган бадиий санъатларни аниқлаш; замонавий ўзбек шеъриятида табиат фасллариининг руҳий кечинма ва туйғуларни акс эттиришдаги ўрни ва аҳамиятини белгилаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида замонавий ўзбек шеъриятининг Чўлпон, Ойбек, Ҳ.Олимжон, Зулфия, Э.Воҳидов, А.Орипов, Р.Парфи, Т.Сулаймон сингари вакиллари ижодидаги табиат фасллари ифода этилган шеърлар танланган.

Тадқиқотнинг предмети замонавий ўзбек шеъриятида йил фасллариининг рамзий-тимсолий талқинлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қиёсий-типологик, аналитик, герменевтик, психологик ва комплекс таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жаҳон ва рус адабиётшунослигида баҳор флористик мотивларнинг муҳаббат туйғуси билан уйғунлиги, куз фаслининг ўлим остонасига яқинлашуви ва тушкунлик руҳини акс эттириши ҳамда қиш фасли инсоннинг кексалик даври билан боғлиқлиги кекса аёл образи орқали замонавий ўзбек шеъриятидаги мисоллар асосида аниқланган;

йил фасллари тасвирининг келиб чиқиши болалар фольклори намуналарида, меҳнат, маросим, терма кўшиқлар, халқ дostonларининг шеърий қисми билан боғлиқлиги, ўзбек мумтоз шеъриятида ифода этилган йил фасллари пейзаж лирикаси, лирик қаҳрамоннинг руҳий кечинмалари рамзий-тимсолий маънода қўлланилганлиги лингвопоэтик таҳлиллар асосида исботланган;

замонавий ўзбек шеъриятида табиат фасллари тасвиридаги бадиий-тадрижий жараёнининг тириклик, ёшлик, шодлик, қувонч, суюкли ёр, истибоднинг якуни, эрка ташналик, ҳаёт давомийлиги каби тимсолий белгилари бадиий парчалар орқали очиб берилган;

йил фасллар тасвирига бағишланган шеърларнинг бадиий тилига хос ташбеҳ, метафора, ташхис, тамсил кабилар орқали лирик қаҳрамоннинг қалб оғриқлари, ёшлик ва дўстлар соғинчи, маҳзунлик, ёлғизлик туйғулари поэтик асарлардаги мисоллар асосида далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

фасллар тасвирига бағишланган шеърларнинг бадиий тилига хос ташбеҳлар (қорнинг оқ кафанга, қиш булутларининг қоп-қора девга; ёзнинг ботирга, қуёш нурларининг зар игнага, дарахт гулларининг қадахга, куздаги дарахтларнинг ясанган келинчакка, метафоралар (кўклам чоғин нозли қизи – қуёш, симоб тўлқинлари – ёмғир томчилари, кумуш булоқлар – тиниқ

сувлар), ташхис, тамсил кабиларнинг лирик қаҳрамон туйғуларига уйғун тасвирлашга йўл очганлиги асосланган;

деҳқон, кузги япроқлар, турфа гуллар, қушлар, беҳи ва Масиҳ образларининг ўзбек мумтоз шеъриятида юзага келганлиги, замонавий шеъриятда такомилга етганлиги; ўрик гуллари, бойчечак, қизғалдоқ, япроқ, қарға, қор парчалари, ялдо туни сингари поэтик образлар фаслларнинг фазилят ва гўзаллигини очиб беришга хизмат қилганлиги далилланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, назарий маълумотларнинг мавжуд илмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлилларнинг қиёсий-типологик, аналитик, герменевтик, психологик ва комплекс таҳлил усуллар воситасида асосланганлиги, илмий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий хулосалардан замонавий шеъриятининг тараққиёт тамойилларини таҳлил этишда, ўзбек адабиётшунослигининг ривожланиш қонуниятларини ўрганишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишдаги назарий умумлашма ва таҳлиллардан «Ўзбек адабиёти тарихи», «XX аср ўзбек адабиёти тарихи», «Ҳозирги адабий жараён», «Бадиий таҳлил асослари» фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда; адабиётшунослик луғатларини такомиллаштиришда; антологиялар тузишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Замонавий ўзбек шеъриятида йил фаслларининг рамзий тимсолий талқинларини очиб бериш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

йил фасллари тасвирининг келиб чиқиши фольклорда, ўзбек мумтоз шеъриятида лирик қаҳрамоннинг руҳий кечинмалари, умр босқичларини ифода этиши, рамзий-тимсолий маънода қўлланилганлиги билан боғлиқ илмий қарашлардан ФА-Ф1-005 «Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш» (2017-2020) мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 8 февралдаги 17.01/18-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа шеъриятда табиат фасллари тасвиридаги бадиий тадрижни ёритиш, фаслларнинг поэтик манзарасини акс эттиришда такрорланувчи ва кўп қўлланилган образлар таснифига доир янги маълумотлар билан бойитилган;

табиат фасллари тасвиридаги бадиий-тадрижий жараённинг тириклик, ёшлик, шодлик, қувонч, суюкли ёр, фарзанд кутаётган она каби тимсолий белгилари акс этган илмий хулосалардан Ф1-ХТ-19919 «Ўзбек мифологияси ва унинг бадиий тафаккур тараққиётидаги тутган ўрни» мавзусида фундаментал лойиҳада (2012-2016) фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 9 февралдаги

89-03-764-сон маълумотномаси). Натижада йил фасллари тасвирининг фольклор, ўзбек мумтоз ва замонавий шеърлятида тадрижий такомилга эришганлиги аниқланган;

йил фасллар тасвирига бағишланган шеърларнинг бадий тилига хос ташбеҳ, метафора, ташхис, тамсил кабилар орқали лирик қаҳрамон туйғуларининг бадий ифодаланишига оид фикр ва қарашлардан Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг «Адабий мухит», «Шеърлят гулшани» кўрсатувларининг 2020 йил апрель ва июнь сонндаги сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Бухоро Вилояти телерадиокомпаниясининг 2020 йил 29 декабрдаги 1/339-сон маълумотномаси). Натижада мухлисларнинг замонавий ўзбек шеърляти ҳақидаги маълумотларини кенгайтиришга, адабиёт фонди заҳирасини бойитишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация иши натижалари 18 та, жумладан, 9 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 25 та илмий иш, жумладан, Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та, хорижий журналда 2 та мақола чоп этилган.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация 162 саҳифадан иборат бўлиб, кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «Адабиётшуносликда йил фасллари мавзуси тадқиқи, унинг фольклор ва ўзбек мумтоз шеърлятидаги генетик асослари» деб номланган ва икки фаслдан таркиб топган. Дастлабки фаслда адабиётшуносликда йил фасллари бағишланган тадқиқотларнинг назарий асослари ёритилган.

Жаҳон адабиётшунослиги ва тилшунослигида йил фаслларининг метафорик, семантик маъноларини лирик тур жанрлари мисолида очиб беришга қизиқиш анча эрта бошланган. Шу жиҳатдан бу мавзу тадқиқога бағишланган ишларни икки йўналишда таҳлил қилиш мумкин.

I. Адабиётшунослик йўналишидаги ишлар.

II. Тилшунослик ва методика йўналишидаги ишлар.

Адабиётшунослик йўналишидаги ишлар ҳам яна ўз навбатида қуйидаги икки жиҳатига кўра фарқланади:

- 1) йил фаслларига бағишланган махсус тадқиқотлар;
- 2) муайян иждоқор ва муайян давр шеърляти таҳлил қилинган ишларда йил фаслларига муносабат масаласи.

Жаҳон ва рус адабиётшунослигида йил фасллари тадқиқ қилинган ишлар анча салмоққа эга. Жумладан, Н.С.Попова, Л.В.Гайворонская, В.А.Киселёва, Е.В.Шохина¹⁰ тадқиқотлари аҳамиятли.

В.А.Киселева ўз тадқиқотида И.Бродский шеърляри ҳақида фикр юритар экан, кишни ҳаёт ва ўлим оппозициясида кўради¹¹. Е.Г.Штырлина бу фаслни сукунат билан алоқадорликда ўрганган бўлса¹², Е.В.Шохина кишни сукунат мотивига мос келадиган ўлимнинг энг кучли ифодаси сифатида талқин этади¹³. Олима баҳорни ўсимликлар оламига боғлайди. Унинг фикрича, баҳор узок совуқдан кейинги табиатнинг янгиланиши – тирилиши бўлиб, турли хил флористик тасвирларда акс этади. Бу манзаралар лирик қаҳрамоннинг ҳиссий ҳолатлари: севги, шеърлий илҳом, табиат билан бирликни ифодалаб келади¹⁴. Ёхуд ёз тасвирига бағишланган лирик матнларда ҳашаротлар образи алоҳида ўрин тутаети. Бунда асалари ва чигирткалар пашша ҳамда чивинларга қарши кўйилади¹⁵. Олиманинг таъкидлашича, куз матнларида барча тирик мавжудотлар мавжудлигининг маъноси, қаҳрамон яқинлашадиган сўнги чизиқ – ўлим остонаси тўғрисидаги фалсафий мулоҳазалар акс этади, тушкунлик руҳи борлиги, куз фасли инсонга кексалик ва бу давр билан боғлиқ туйғуларни эслатиб туришини айтади¹⁶. Ю.В.Осипова кузни дўстлик ва ёлғизлик даври деб атайти¹⁷. Демак, мазкур олимларнинг шеърлят намуналари мисолидаги нозик кузатишлари рус адабиётшунослигида йил фасллариининг маънолари махсус текширилганлигини кўрсатиб турайти.

¹⁰ Попова Н.С. Мифопоэтический концепт как вид когнитивной метафоры: На материале русских и немецких наименований времен года: Дисс.на соиск.учен.степ.канд.филол.наук. – Воронеж, 2000. – 227 с., Гайворонская Л.В. Семантика календаря в художественном мире Пушкина (дни недели, времена года): Автореф.на соиск.учен.степ.канд.филол.наук. – Воронеж, 2006. – 18 с., Гаврилова О.В. Чувство природы в женской прозе конце XX века: Автореф.на соиск.учен.степ.канд.филол.наук. – Москва, 2010. – 22 с., Шохина Е.В. Семантика времен года в поэзии пушкинской поры: Автореф.на соиск.учен.степ. канд.филол.наук. – Воронеж, 2017. – 18 с., Киселева В.А. Поэтика цикла И.Бродского «Осенний крик ястреба»: Автореф.на соиск.учен.степ.канд.филол.наук. – Москва, 2011. – 22 с.

¹¹ Киселева В.А. Поэтика цикла И.А.Бродского «Осенний крик ястреба»: Автореферат диссертации на соискание учёной степени кандидата филологических наук. – Москва, 2011. – С.12.

¹² Штырлина Е.Г. Репрезентация художественного концепта «Время» в поэтическом языке И.Бродского: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Казань, 2013. – С. 12.

¹³ Шохина Е.В. Семантика времен года в поэзии пушкинской поры: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Воронеж, 2017. – С. 9-10.

¹⁴ Шохина Е.В. Семантика времен года в поэзии пушкинской поры: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Воронеж, 2017. – С.12.

¹⁵ Шохина Е.В. Семантика времен года в поэзии пушкинской поры: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Воронеж, 2017. – С.14

¹⁶ Шохина Е.В. Семантика времен года в поэзии пушкинской поры: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Воронеж, 2017. – С.15-16.

¹⁷ Осипова Ю.В. Символ в поэтике А.С.Пушкина 1830-х гг.: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Москва, 2003. – С. 9.

Рус тилшунослигида ҳам йил фасллари ташийдиган маънолар ёритилган. Жумладан, Я.В.Свечкареванинг ёзишича, фаслларнинг ҳиссий-баҳоловчи идрок қилиниши ёз, қиш ва ҳоказоларнинг дериватив уяларида кўзга ташланади¹⁸. О.Л.Чоудхури қиш концепти ҳақида фикр юритар экан, қиш эртакона давр бўлиб, лирик қаҳрамоннинг кундалик ташвишлар билан боғлиқ бўлмаган вақт, туш ва хотираларга бой болалик йиллари билан боғлиқлигини таъкидлайди¹⁹.

Рус адабиётшунос ва тилшунос олимларининг тадқиқотларида шеърят намуналари асосида деярли ҳамма фаслга хос хусусиятлар чуқур таҳлил этилган. Хусусан, уларнинг куз ва қиш борасидаги талқинлари бу фасллар образига юкланган кўчма маъноларни аниқлаштиришга кўмак беради.

Ўзбек адабиётшунослигида шеърят ёки насрий асарлар таҳлилида йил фаслларига бағишланган алоҳида тадқиқотлар мавжуд эмас. Адабиётшуносликка оид дарсликлар ва соҳага оид ишлар таркибида пейзаж тасвири, хусусан, фасллар мавзуси тадқиқ қилинган. Бу йўналишдаги тадқиқотларни иккига бўлиб тасниф этиш мумкин.

1. Ўзбек мумтоз шеърятда ифода этилган йил фаслларининг тимсолий маънолари тадқиқига бағишланган ишлар. Н.Маллаев, А.Ҳайитметов, А.Қаюмов, Ё.Исҳоқов, Ғ.Каримов, С.Долимов, Н.Комилов, И.Ҳаққулов, А.Эркинов, Т.Матёқубова, Л.Мирзоҳидова, Ғ.Болтаева сингари олимларнинг ишлари бу жиҳатдан аҳамиятли. Жумладан, адабиётшунос Н.Комилов Навоий қасидалари ҳақида фикр юритар экан, ёзади: «Фоний «Фусули арбаа» («Тўрт фасл») номи билан яна тўртта форсий қасида ёзиб, уларда йил фаслларининг ҳар бирига хос хусусият ва бунинг инсон руҳиятига таъсирини тасвирлаган»²⁰. Ҳақиқатан, мумтоз шеърятда йил фасллари образи инсон руҳиятини ифода этувчи бадий восита вазифасини бажарган.

И.Ҳаққулов Огаҳий шеърларини таҳлил қилар экан, табиат фасллари образига алоҳида эътибор қаратади: «Табиат фаслларига хос ҳар хил воқеа-ҳодисалар ифодаси, эрта кўклардан қаҳратон қишгача бўлган алоҳида-алоҳида манзаралар ва шуларга уйғун равишда гоҳ кўтаринки, гоҳо маҳзун инсоний кайфият тасвирлари билан ҳам шеърятда реалистик тамойилнинг бойишига Огаҳий муносиб ҳисса қўшган эди»²¹. Демак, адабиётшунос йил фасллари тасвири шеърятда инсон кайфиятини ифодалашга хизмат қилганлигини алоҳида таъкидлайди.

Алишер Навоийнинг «Фусули арбаа» қасидалар туркумини махсус ўрганган Ғ.Болтаева бу масалага анча кенг тўхталади. Жумладан, олима Навоий тасвирлаган куз фасли ҳақидаги мулоҳазаларида: «Ҳазон»

¹⁸ Свечкарева Я.В. Деривационный потенциал номинаций времен года в динамическом аспекте (на материале русского языка XI - XX вв): Автореферат диссертации на соискание учёной степени кандидата филологических наук. – Томск, 2007. – С.14.

¹⁹ Чоудхури О.Л. Номинативное поле концепта «зима» как предмет обучения русскому языку финских студентов: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата педагогических наук. – Санкт-Петербург, 2011. – С.13.

²⁰ Комилов Н. Хизр чашмаси. – Т.: Маънавият, 2005. – Б.192.

²¹ Ҳаққул И. Ҳаёт, адабиёт ва абадият. – Т.: Тафаккур, 2019. – Б. 12.

қасидасининг деярли барча байтлари мажозий маъно касб этади, деса хато бўлмас. Бундай ўринларда борлиқдаги жараёнлар инсон жисмидан табиатга (ёхуд унинг акси) кўчирилади»²², – дея таъкидлайди.

II. *Замонавий ўзбек шеъриятида йил фасллари образи тадқиқи.* Бу жиҳатдан Б.Қосимов, М.Қўшжонов, С.Мамажонов, О.Шарафиддинов, Н.Раҳимжонов, Р.Баракаев, Н.Жабборов, Д.Қурононов, Я.Қосим, А.Улуғов, У.Ҳамдам, О.Каримов, Д.Тажибаева, М.Давронова, Ш.Ҳожиева сингари олимларнинг монография, диссертация ва мақолаларида йил фаслларининг рамзий-тимсолий маънолари муайян илмий муаммо тадқиқи жараёнида очиб берилган.

Академик М.Қўшжонов, адабиётшунос С.Мели А.Орипов шеърияти ҳақида фикр юритар экан, ёзади: «У баҳорга шеър бағишлар экан, шеърнинг дебочаси қилиб ҳаётни, уйғонишни, қайта тикланишни олади. Бироқ ҳаёт фақат уйғониш, қайта тикланишдангина иборат эмас. Қиш бор – биз ёзни улуғлаймиз, совуқ бор – иссиқни ёктирамиз, кечанинг қоронғуси бор – кундузнинг ёруғини истаймиз... Абдулла ҳаётни ана шундай зиддиятлари билан биргаликда кўради. Баҳорни улуғлай туриб, янги баҳорда бош кўтара олмаган улуғ зотларни эслайди»²³. Адабиётшунос олим Н.Раҳимжонов тадқиқотларида фаслларнинг поэтик тасвири ва уларнинг рамзий маънолари хусусида шундай ёзади: «Сўнгги йиллар ўзбек лирикасида табиат образлари ўзининг рамзий, тимсолли маъноси билан инсоннинг у ёки бу даражадаги анъанавий муносабат, кечинма ва туйғуларини англантиш учун хизмат қилади»²⁴. Олим бунда табиат фасллари образи анъанавийлиги, лирик қаҳрамон кечинма ва туйғуларини ифодалашини алоҳида таъкидлайди. Шеършунос олимнинг «Мустақиллик даври ўзбек шеърияти» номли монографик тадқиқотида ҳам йил фасллари ҳақидаги шеърлар теран таҳлил этилган. Адабиётшунос Н.Жабборов Зулфия ижодида баҳор тасвирининг ўрни ҳақида шундай ёзади: «Зулфияхоним ва баҳор эгизак тушунчалардир... Таъбир жоиз бўлса, унинг ижодини миллий шеърятимизнинг ўзига хос баҳори, дея таърифлаш мумкин. Одамзод ва табиат мутаносиблигини шоира мана бу тарзда васф этган эди:

На масъуд ҳузур бу, ёруғ жаҳон бу –
Ер, Инсон баҳор-ла қовишган онлар!»²⁵

Адабиётшунос Д.Қурононовнинг А.Орипов қаламига мансуб «Баҳор кунларида кузнинг ҳавоси» шеъри ҳақидаги қуйидаги фикрлари аҳамиятли: «Баҳор кунларида кузнинг ҳавоси» – образ, лирик қаҳрамоннинг кўнгил ҳолини ифодалаш воситаси»²⁶дир.

²² Boltayeva G. Alisher Navoiy “Fusuli arbaa” qasidalar turkumining manbalari va g’oyaviy-badiiy tahlili. Monografiya. – Navoiy, 2020. – Б. 59.

²³ Қўшжонов М., Мели Суван. Абдулла Орипов. – Т.: Маънавият, 2000. – Б. 43.

²⁴ Раҳимжонов Н. Давр ва ўзбек лирикаси. – Т.: Фан, 1979. – Б. 47.

²⁵ Жабборов Н. Замон. Мезон. Шеърят. – Т.: Ф.Ғулум номидаги адабиёт нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – Б. 74.

²⁶ Quronov D. Adabiyot nazariyasi asoslari. – Т.: Akademnashr, 2018. – Б. 45.

Кўринадики, йил фасллари тасвири рус адабиётшунослигида махсус текширилган, ўзбек адабиётшунослигида эса муайян давр ёки муайян ижодкор шеърлари таҳлили жараёнида муносабат билдирилган.

Бобнинг иккинчи фаслида табиат фаслларига бағишланган шеърларнинг генезиси ҳақида фикр юритилган. Йил фаслларига рамзий ёндашув халқ оғзаки ижодининг лирик жанрларида кўзга ташланади. Диссертацияда йил фасллариининг халқ оғзаки ижодидаги ўзига хослиги қуйидаги жиҳатларига кўра таҳлил қилинган:

1. *Болалар фольклори намуналарида табиат фасллари тасвири.* Маълумки, болалар фольклори намуналарида йил фасллари болалик даври билан боғлиқ рамзий-тимсолий маъноларга эга. Жумладан, «Алла»ларда фарзанд умр баҳори сифатида таърифланган:

Сен боғимнинг баҳори, // Сен умримнинг наҳори.

Сен қалбимнинг оҳори, // Онажони шунқори, алла-ё алла²⁷.

Фольклоршунос олимлар Охунжон Сафаров, Камол Очиловлар болалар мавсум қўшиқларини «Қиш таърифида», «Баҳор таърифида», «Ёз таърифида» сингари гуруҳларга ажратадилар.

2. *Меҳнат қўшиқлари.* Меҳнат билан боғлиқ қўшиқларда халқ меҳнати, унинг изтиробли ҳолатлари ҳам акс этган. Қиш образи бор қўшиқларда аксарият ўринларда кишиларнинг оғир турмуши, уларнинг бирламчи эҳтиёжлари: қорин ва кийим-кечак ташвишлари тасвирланади: «Чапаргинанг сочиқдан, майда-ё, майда, // Ўлмайд чикдинг шу қишдан, майда-ё, майда, // Қутулсанг шундай ишдан, майда-ё, майда, // Каминг йўқдир юришдан, майда-ё, майда»²⁸.

3. *Маросим қўшиқларида* ҳам фаслларга мурожаатлар бор. Жумладан, ёмғир чақириш маросимида айтилган «Суст хотин» қўшиғида²⁹ ёмғир қут-барака, мўл-кўл ҳосил кафолати сифатида келади. Бунда баҳорнинг фазилати ёмғир билан алоқадорликда ёритиб берилган. Ўзбек халқ қўшиқлари сирасига кирувчи «Бойчечак чиқибди – бугун Наврўз экан!», «Дилбар», «Ўсар қора зулфинг санинг», «Доира дум-дума», «Яшнар баҳорим», «Ҳо-хо ялли», «Чиройлик», «Келди баҳор», «Бугун Наврўз» каби айтимлар ҳам фасллар образини акс этирганлиги билан эътиборни тортади.

4. *Халқ лирик қўшиқларида* фаслларга муносабат масаласи муҳим ўрин тутаяди. Маълумки, бундай қўшиқлар кўпроқ муҳаббат мавзусида битилган. Шундан келиб чиқиб, йил фаслларига рамзий маъно юкланган:

Олма гулин тўкадир, // Юрсам акам сўкадир.

Кўп сўкмангиз, акажон, // Беш кун умрим ўтадир³⁰.

Ушбу тўртликда баҳор фаслига ишора қилинмоқда. Унда баҳор ёшлик ва муҳаббат рамзи бўлиб келган. Шунингдек, қиз ва аёлларнинг номуси, оила шаъни каби миллий қадриятлар ҳам шеърда улуғланган.

²⁷ Бойчечак. Тузувчи ва нашрга тайёрловчилар: О.Сафаров, К.Очилов. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1984. – Б. 20.

²⁸ Бойчечак. Тузувчи ва нашрга тайёрловчилар: О.Сафаров, К.Очилов. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1984. – Б. 280.

²⁹ Шода-шода марварид. Тўплаб нашрга тайёрловчи Э.Очилов. – Т.: Шарқ, 2006. – Б. 74.

³⁰ Оқ олма, қизил олма. Ўзбек халқ қўшиқлари. Тўпловчи: М.Алавия. www.ziyouz.com кутубхонаси. – Б. 52.

5. *Халқ дostonларининг шеърий қисмида* қаҳрамонлар руҳияти, ички дунёси, кайфияти тасвирини беришда фасллар образидан самарали фойдаланилган. Диссертацияда бу жиҳат «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам», «Сайёд ва Ҳамро» дostonларидаги парчалар мисолида ёритилган.

Шунингдек, бу фаслда йил фасллари образининг мумтоз адабиётдаги талқинларига оид мулоҳазалар ҳам баён этилган. Ўзбек мумтоз шеъриятида фасллар мавзуси алоҳида бир бадиий тизимни ташкил этади. «Девони луғотит-турк»дан ўрин олган «Қиш ва Ёз» мунозараси, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асаридаги «Баҳор мадҳи» қасидаси, Алишер Навоий ижодида йил фасллари рамзий-тимсолий мазмун касб этганлиги маълум. Кейинчалик эса Бобур, Огаҳий, Фурқат сингари шоирлар ижодида бу мавзу нафақат анъана сифатида давом эттирилди, балки ёрқин ҳаётийлик ва кучли ижтимоий мазмун билан бойиди.

М.Кошғарий асарида «Қиш ва ёз» мунозарасига оид бадиий парчаларни маълум сўзлар изоҳини бериш учун қўллаган бўлса-да, икки фаслнинг хусусиятлари рамзий ифода этилганини кузатиш мумкин. Бинобарин, девондаги тўртликларда ташхис санъати воситасида инсонга хос бўлган хусусиятлар фаслларга кўчирилган.

Мумтоз шеъриятимизнинг чўққиси бўлган Алишер Навоий ижодида инсон умри табиатнинг тўрт фаслига қиёсан рамзий талқин этилади. Унинг машҳур «Хазойин ул-маоний» девони қисмлари шу асосда рамзий номланганлиги, ҳар бир фаслнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган форсий тилдаги «Ситтаи зарурия» («Олти зарурий қасида») ва «Фусули арбаа» («Тўрт фасл») қасидалари, шунингдек, дoston ва ғазалларидаги фасллар тасвири фикримизни асослайди.

Бобур шеърларидаги куз образини икки жиҳатдан таҳлил қилиш мумкин: 1) ҳижрондаги ошиқ – бу унинг дастлабки мазмуни; 2) ватандан айру инсоннинг соғинч изтироблари – куз чизгилари берилган мисраларнинг асл моҳияти айнан мана шу.

Бобур тақдиридаги толеъсизликлар «сарик юз» метафораси билан берилади. Умуман олганда, шоир куз образи орқали ишқдан озорланган ошиқ тимсолини бадиий гавдалантирган. Мазкур образ тадрижий равишда Ватан соғинчидан сарғайган юз – юртига интилган инсон образи томон ўсиб боради. Фурқатда ҳам баҳор образининг муфассал тасвирини бериш учун мумтоз шеъриятда кўп қўлланилган бир қанча образлар бор. Улардан, айниқса, кўп қўлланган гулгашт, май, «гул узра андалиб»,³¹ кумри, «суруру шодлик» ва «байтул-ҳазан», «кавсар, жаннату ризвон» кабиларни алоҳида таъкидлаш мумкин.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Замонавий ўзбек шеъриятида йил фаслларининг рамзий-фалсафий талқинлари**» тарзида номланган ва тўрт фаслдан таркиб топган. Дастлабки фаслда баҳор фаслининг рамзий образ сифатидаги талқинлари ўз аксини топган.

³¹ Фурқат. Танланган асарлар. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – Б. 4.

Ўзбек шеърятининг кўп асрлик тарихи кузатилса, фасллар орасида баҳор ҳақида яратилган асарлар катта миқдорни ташкил этади. «Халқ кўшиқлари-ўзбек мумтоз шеърят-замонавий шеърят» тизимидаги бадиий-тадрижий босқичлар буни асослаб туради. Навоий «ғунчайи хандон била» ёр ҳусни гулида «хуррам баҳор»ни³² кўрса, Бобур «баҳор айёми»ни «йигитликнинг авони»да³³ кўради. Чўлпон «Кўк кўйлакнинг битишига унча кўп ҳам қолмаган!»³⁴ дея ҳайқирса, А.Орипов «Гўдак нафасидек юпатар юзни Қиш бўйи интизор кутган баҳорим»³⁵ дея шивирлайди. Э.Воҳидов «Саҳролар кўксига тақди қизғалдоқ»³⁶ тарзида кўклам келишини ифодаласа, М.Юсуф баҳорнинг ташрифини «Бойчечакка борар йўллар очилиши»³⁷ да кўради.

Таъкидлаш керакки, замонавий шеърятда баҳор тасвирини беришда Чўлпон шеърлари етакчилик қилади. Шоир шеърларида кўклам образи рамз сифатида истибдоднинг яқуни, юрт озодлигини ифодалаб келади.

Кўкламойим йўлга чиққан. Кўкламойим кўзғалган,
Кўк кўйлакнинг битишига унча кўп ҳам қолмаган!³⁸

Шеърдаги бадиий тимсол кўкламойим бўлиб, кўкламда яшилланаётган далалар эса кўкламойим учун тикилаётган «кўк кўйлак» метафорасида бадиий ифодаланган. Кўкламнинг юртга «кўкариш» олиб келиши рамзий маънода юртнинг мустабидлар зулмидан озод бўлишидир. Ватан мустақил бўлсагина, табиатдаги баҳор таровати кўнгилларга кўчади, дилларга кўклам руҳи киради, дейди шоир.

Ҳ.Олимжон шеърларида баҳор ёшлик, муҳаббат, бахту иқбол, меҳнат ва яшашга иштиёқнинг рамзи сифатида куйланади. Шоирнинг «Баҳор» номли шеърида кўкламнинг ёшлик фасли эканлигига ишора қилинади³⁹. Чўлпонда дарахтлар «кўк кўйлак кийса», Ҳ.Олимжонда баҳорда далаларнинг яшил тусга кириши гилам тўшалганга ўхшатилади. Аммо Чўлпондан фарқли ўлароқ, Ҳ.Олимжон шеърятида баҳор ёшлик, гўзаллик, муҳаббат ҳамда ўзига хос ижтимоий мазмун – деҳқон, боғбон ва чўпон қабиларнинг меҳнат палласи рамзи бўлиб келади. Ойбекда баҳор боқий умр рамзи бўлиб, у «Сўлғун чечак» шеърида: «Шоир истар мангу баҳор»⁴⁰, – дея ёзади. Зулфия баҳор воситасида ҳаётга, инсониятга чексиз меҳр ва муҳаббатни, ҳижрон, соғинч ҳамда вафони кўйлайди. Шоира битикларида бу фасл соғинч ва ҳижрон («Баҳор келди сени сўроқлаб»), умрнинг энг гўзал даври («Демак, баҳор келди»), ҳаётнинг давомийлиги ва унга муҳаббат («Мажнунтол») сингари рамзий маъноларни ифодалаб келади. Э.Воҳидовнинг «Баҳор

³² Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 3-том. Хазойин ул-маоний: Фаройиб ус-сиғар. – Т.: Фан, 1988. – Б. 140.

³³ Бобур. Сочининг савдоси тушди: Шеърлар. Нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи Э.Очилов, масъул муҳаррир В.Раҳмонов. – Т.: Шарқ, 2007. – Б. 56.

³⁴ Чўлпон. Яна олдим созимни. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – Б. 491.

³⁵ Орипов А. Танланган асарлар. 4 жилдлик. 1 жилд. Шеърлар ва достонлар. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – Б. 120.

³⁶ Воҳидов Э. Танланган асарлар. – Т.: Шарқ, 2018. – Б. 204.

³⁷ Муҳаммад Юсуф. Шоир севгиси. Тузувчи: Назира ас-Салом. – Т.: Ношир, 2014. – Б. 146.

³⁸ Чўлпон. Яна олдим созимни. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – Б. 491.

³⁹ Олимжон Ҳ. Танланган асарлар. – Т., 1951. – Б. 184. www.ziyouz.com кутубхонаси

⁴⁰ Ойбек. Мукамал асарлар тўплами. 19 томлик. 1-том. Шеърлар (1922-1935). – Т.: Фан, 1975. – Б. 87.

мустахзоди» шеърида кўкламнинг инсонга нисбат берилган қиёфаси кўз олдимизда гавдаланади. А.Орипов шеърларида баҳор тасвири ёрқин бўёқларда тасвирланади ва турфа рамзий, ижтимоий-фалсафий маъноларни акс эттиради. Унинг «Баҳор» шеърини шу мавзудаги асарларнинг гултожи дейиш мумкин. Шеърда баҳор умр босқичлари, лирик қаҳрамон кайфиятининг рамзи сифатида ифода этилган. Т.Сулаймон шеърларида табиат баҳори ва инсон умри баҳори ўртасида уйғунлик, боғлиқлик кузатилади.

Бобнинг «*Ёз фаслининг тимсолий маънолари*» деб номланган иккинчи фаслида ёзнинг шеъриятдаги тимсолий маънолари ёритилган. Чўлпоннинг «Катта йўл бўйида учраган япроқ учун» номли шеърида ёз фаслидаги ўйлар тасвирланади. Шоир ёзни «ёруғ дунё»га ўхшатиб, аёллар тақдирига боғлайди. Чунки шоир яшаган даврда аёллар тутқунликда, тўрт девор орасида ҳаёт кечирган. Шунинг учун Чўлпон уларнинг «ёруғ дунё»га – озоликка чиқишини орзу қилади. Чўлпондан кейинги ижодкорлар Ҳ.Олимжон, Ойбек, Зулфиянинг ёз фасли манзаралари акс этган шеърларининг ранглари, кайфияти ва мазмуни ўзгача. Уларда ижтимоий дард, ватаннинг мустамлака ҳолатидан кўра кўпроқ пейзаж тасвири, кўтаринкилик, меҳнат ва яратиш завқи устунлик қилади. Э.Воҳидов шеъриятида сатира ва юмор руҳида ёзилган шеърларда ёз ва қиш чўзилган вақт, тугалланмаган ишнинг ифодаси, табиат фасли сифатида вақтни ифодалаб, хронотопнинг таркибий қисми бўлиб келади. Р.Парфида пейзаж тасвири етакчилик қилади. А.Орипов эса фақат ёзни эмас, шу фаслда ҳам тинмай меҳнат қиладиган «умри маҳзан»га тенг бободехқонни улуғлайди.

Бобнинг учинчи фасли «*Куз манзараларида руҳият ифодаси*» деб номланган ва куз тасвирида акс этган инсоний дардлар, турфа кайфиятлар таҳлил этилган. Кузнинг мумтоз шеъриятда инсон умрининг ўрта ёшлик даврига қиёсланиши анъанавийдир. Айни вақтда «хазон» дея аталувчи бу фасл лирик қаҳрамон руҳиятини, туйғу ва кечинмаларидаги ўзига хос маҳзунликни ҳам ифодалайди. Қолаверса, ундаги заъфарон япроқлар рамзий маънода изтироб, ҳижрон, инсоний дардларни ҳам акс эттиради. Чўлпоннинг «Куз», «Хазон», «Куз ёмғири», «Куз гулига» шеърларида лирик қаҳрамон руҳияти очиб берилиши баробарида миллат тақдири ҳам қаламга олинган. Ойбекда кузнинг рамзий маънолари кенгайган. Унинг бу мавзудаги шеърларида мавжуд тузум билан муросага келиш кайфияти сезилади. Ойбек кузида ижтимоий таназзулдан кўра кўпроқ, инсоний дардлар акс этади. А.Орипов «Куз хаёллари» шеърида «япроқлар бандида жимгина кезган маънос ва безовта куз»да инсон қалби, унинг умри, ёшлиги, гўзал хотираларини кўради, кузни кекса чолга қиёслайди⁴¹. «Онамга хат» деб номланган шеъридаги маҳзунлик кайфияти «исмсиз дард» ва «хазонрез боғлар», «ёмғирнинг жим хониш қилиши» ва «совуқ хона» каби ифодаларда

⁴¹ Орипов А. Танланган асарлар. 4 жилдлик. 1-жилд. Шеърлар ва дostonлар. – Т.: Ф.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – Б. 27.

намоён бўлган ҳамда лирик қаҳрамоннинг тушкун кайфияти, ёлғизлиги, «танҳолик ҳасратини чекаётгани»ни билдириб келган.

Хат-она-куз учлиги А.Орипов билан замондош ижодкорлар шеърларида ҳам учрайди. Р.Парфида ҳам айнан «Онамга хат» сарлавҳали шеър бор. Бу икки шеър қиёсан таҳлил қилинганда нафақат уларнинг номида, балки мазмунида ҳам муштарак жиҳатлар мавжудлиги кўринади. Қаҳрамон туйғуларига ҳамоҳанглик хат детали, она ва куз образларида кўзга ташланади. Шунингдек, таҳлилларда ушбу шеърларда изтироб, соғинч, она дийдорига бора олмаган ўғил, омадсизлик, ҳаётдаги ноҳақликлар, жамиятдаги адолатсизликлар каби қатор уйғун жиҳатлар ҳам борлиги алоҳида қайд этилган. М.Юсуфнинг «Синглимга хат» шеърида эса хат-она-куз-сингил занжири мавжуд. Унда сингилга йўлланган мактуб орқали она юрт ва она соғинчи ифода этилган.

Бобнинг тўртинчи фаслида қиш рамзлари ўрганилган. Мумтоз адабиётда зимистон, дай деб тилга олинадиган бу фасл инсон умрининг кексалик даврига қиёсланади. Чўлпоннинг «Қиш кечалари» шеърида қиш кечаси тасвирини бериш билан бирга бахтиёр болалик ва йўқсил етим болалар тақдирига ачиниш туйғулари ёнма-ён тасвирланган. Унинг қиш ҳақидаги шеърларида пейзаж лирикаси билан бирга ижтимоий мазмун ҳам таъсирчан ифода этилган. Чунки совуқ қишнинг келиши халқ учун хурсандчилик ҳисобланмаган, иссиқ кийим, иссиқ уй улар учун орзу бўлган.

Ҳ.Олимжоннинг «Қиш кўчасидан», «Қиш» шеърларида кўтаринки кайфият уфуриб туради. Шоирнинг қиш ҳақидаги шеърлари Чўлпон билан қарийб бир даврда ижод қилинган бўлишига қарамасдан, лирик қаҳрамон кайфияти, образлар турфалиги, табиат ва жамиятга муносабат нуқтаи назаридан тубдан фарқ қилади.

Ойбекнинг «Қишки оқшом» шеърида «кафан», «заҳар тилли изғирин» каби ифодалар Чўлпоннинг қиш ҳақидаги шеърларини ёдга солади. Унинг «Биринчи қор», «Қиш кўринишлари», «Қиш кечалари» шеърларида табиат тасвири, қишдаги тушкунлик ва рутубат инсон дардларига параллель ифодаланади. А.Ориповнинг «Январь», «Қиш тунлари» каби шеърларида қиш тасвири берилган. «Қиш тунлари» шеърида «Январь» шеърдан фарқли равишда лирик қаҳрамоннинг зерикиш тўла кайфияти акс этган. Бунда қиш тасвирида кўп учрайдиган ифода – узун ва рутубатли қиш туни тасвири берилади. Нафақат қишнинг ўзи, балки қиш туни ҳам ўзига хос рамзий маънога эга. Мазкур фаслдаги узун ва рутубатли тунлар рамз сифатида зерикиш, кўнгилнинг сиқилиши каби ҳолатларни ифодалаб келади. Р.Парфининг қатор шеърларида ҳам қиш ва қор тасвири учрайди. Жумладан унинг «Эслайсанми, изғирин кеча» сатрлари билан бошланадиган шеърида қиш изғирини лирик қаҳрамон изтиробларига уйғун ифода этилган.

Тадқиқотнинг «**Йил фаслларида бағишланган шеърлар поэтикасига хос айрим жиҳатлар**» деб номланган учинчи боби икки фаслни ўз ичига олади. Дастлабки қисмда фасллар мавзусидаги шеърларнинг бадий тилига хос хусусиятлар текширилган. Таъкидлаш керакки, йил фасллари тасвирига бағишланган замонавий шеърият намуналарининг бадий тили бой ва ранг-

баранг. Ҳар бир фаслнинг фазилат ва ўзига хос хусусиятларини ташбеҳ, ташхис, сифатлаш, тамсил, аллитерация каби бадий санъатлар воситасида очиб берилган. Хусусан, ташбеҳ фаслларнинг гўзаллигини ифода этишда энг кўп қўлланилган санъатлардан биридир. Ташбеҳ кўп ҳолатларда ташхис ва метафора билан бирга келиши кузатилади.

Чўлпоннинг «Яна қор» шеъридаги бадий деталларни ижобий (куёш, ёз, баҳор, чечак) ва салбий (киш, қор, қарға, совуқ тун) деталларга ажратиш мумкин. Шеърда қор – оқ кафанга, қиш булутлари – қоп-қора девга, ёз фасли – ботирга, гули кўп бойга, қиш – қари бобога, бўрон – қишнинг қаролига ўхшатилади.

Ойбек баҳор ҳақидаги бир шеърида куёшни «кўклам чоғин нозли қизи»⁴²га ўхшатса, Зулфия куз ҳақидаги шеърларида ёмғир томчиларини – «Симоб тўлқинлари»га қиёслайди; тиниқ сувлар – «кумуш булоқлар», сарғайган барглар – «олтин япроқлар» сингари метфоралар билан берилади. Бадий матндан кўринадики, кузнинг ёмғирли кунлари шоира қалбига ҳам соясини солмайди, аксинча, кузнинг олтинга бурканган манзараси унга баҳорий илҳом, ажиб бир кайфият беради. У куздаги дарахтларни ясанган келинчакка ўхшатади. А.Орипов яшариш фаслини «гул баҳор», «кўк майса гилам», «эркатой кўклам» дея таърифлайди. Шоир баҳорни энг покиза шаббодага ўхшатади. Тўра Сулаймонда эса бу ташбеҳ Масеҳ образида ифодаланган. Бу ташбеҳ-талмеҳ анъанавийлиги билан бирга шунчалар ҳаётийки, унда баҳорда табиатнинг энг кичик заррасигача уйғониши ва жонланиши ўз ифодасини топган.
